Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 46 (1110) ● 2016-yil, 4-noyabr, juma

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровнинг дастурини қўллаб-қувватлашга чақирамиз!

Наримон Умаровнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари сайловчилари билан учрашуви

Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи паллага кирди. Жорий йилнинг 28 октябрь кунидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди. Сиёсий партиялардан Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Маълумки, сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичи саналади. Халқ ишончини қозониб, сайловда энг кўп овоз олишга эришиш айнан сайловолди ташвиқот тадбирларининг юқори савияда, таъсирчан, давр талабига мос тарзда ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Президентликка номзод — партия Сиёсий Кенгаши раиси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари қизғин ва кўтаринки руҳда бошланди. Таъкидлаш жоизки, мамлакат сиёсий майдонида ўз ўрни, мавқеига, халқимиз эътиборига сазовор бўлиб келаётган партиямиз сафлари йилдан-йилга кенгайиб, партия сиёсий куч сифатида жипслашди. Партия номзоди Н.Умаровнинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари сайловчилари билан учрашувларида бундай эътироф ва хайрихоҳлик яққол намоён бўлгани қувонарлидир.

Учрашувларнинг видеоконференция тарзида ташкил этилгани мазкур вилоятлардаги барча шаҳар ва туманлардан минглаб сайловчиларга номзод билан очиқ мулоқот қилиш имконини яратди.

СУРХОНДАРЁ. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров шу йилнинг 1 ноябрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирда вилоят фаоллари, корхона ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари хамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Истиқлол йилларида Сурхон воҳасининг бой ўтмиши қайта тикланиб, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси тубдан ўзгарди. Сўнгги беш йил давомида Термиз шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, бир-биридан муҳташам биноларнинг қад ростлагани, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида барпо этилган савдо ва маиший иншоотлар воҳа тараққиётини мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

4➢

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаров 1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. 1974 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-гидрогеолог. Геология-минералогия фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда «Гидроингео» илмий текшириш институтида катта техник ходим лавозимидан бошлаб, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. У суғорилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ гидрогеологик прогнозларни ишлаб чиқиш, ер ости сувларидан иқтисодиётда оқилона фойдаланиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борди.

1997—2009 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси бошлиғи лавозимида ишлаб, атроф табиий муҳит ҳолатини мониторинг қилишда ягона давлат тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошқарган.

2009—2013 йилларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этган.

2009 йилдан «Экосан» экология ва саломатлик Халқаро хайрия жамғармасининг бошқаруви раиси, 2013 йилдан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси этиб сайланган. Эгаллаб турган лавозимида давлат ҳокимияти вакиллик органларида «Адолат» СДП депутатлик гуруҳларининг фаолиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиб келмоқда.

2014 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди, 2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

2012 йилда Наримон Умаров «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Оилали. Уч нафар фарзанднинг отаси. Рафиқаси Х.Хўжаева — пенсионер.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Мажитович Умаровнинг дастури билан 2-3-саҳифаларда танишасиз.

Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан муҳим сиёсий тадбирга қизғин тайёргарлик ишлари давом эттирилмоқда. Партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида фаолият юритаётган сайлов штаблари Марказий сайлов штаби томонидан мувофиқлаштирилиб, уларга зарур кўрсатмалар бериб борилмоқда.

Фаолият асоси — сайловчи ишончи

Сайлов штаблари керакли ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, тарғибот материаллари, коммуникацион технологиялар билан тўлиқ таъминланган. Уларга ташриф буюрган маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олмоқдалар.

Бугунги кунда партия Марказий сайлов штабида 17 нафар, ҳудудий сайлов штабларида 70 нафар, маҳаллий штабларда эса 576 нафар партия аъзолари фаолият олиб бормоқда.

Марказий сайлов штабида иш ҳар куни эрталаб қисқа йиғилишдан бошланади. Штаб аъзолари ўзларига бириктирилган йўналишлар бўйича бажарган ишларини маълум қиладилар, навбатдаги ишлар режалаштириб олинади.

Партиянинг ҳудудий сайлов штаблари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни билан танишиб борувчи партия кузатувчилари учун семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Уларга сайлов қонунчилиги бўйича кузатувчининг ваколатига кирувчи ҳуқуқлар тушунтирилиб, керакли қўлланма ва кўргазмали воситалар билан таъминланишмоқда.

– Сайловга кўрилаётган тайёргарлик ва унинг боришини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни юқори, – дейди партиянинг Наманган вилоят кенгаши раиси Олимжон Мақсудов. – Бугунги фаолиятимиз ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил этилмоқда. Сайлов штабимизда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш юритилаётганини таъкидлаш жоиз.

5➢

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2016 йил 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ҳамда Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Наримон Мажитович Умаровни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Наримон Мажитович Умаров**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Наримон Мажитович Умаров** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси **М.АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 28 октябрь

➢ БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддаси.

Муҳим жараён ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда

Сайлов — бу фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришдаги иштирокини таъминловчи ҳуқуқий воситадир. Шу билан бирга, сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов кунида фуқароларнинг ҳуқуқий-сиёсий фаоллиги ҳам яққол намоён бўлади.

Сайловолди ташвиқоти қизғин давом этаётган бугунги кунда биз — сайловчилар, хусусан, илк бор сайловда иштирок этаётган ёшларнинг фикрлари билан қизиқдик.

6➢

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИНГ ДАСТУРИ

КУЧ – АДОЛАТДА!

Тарихан қисқа давр – мустақиллигимизнинг чорак асри давомида юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат яратиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган тизимли ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз барқарор ва изчил ривожланиб, демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари тобора чуқурлашиб бормоқда.

Улкан қийинчиликларга, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида енгиб ўтишга тўғри келган муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида, мамлакатимизда мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасида юксак марра ва натижаларга эришилди. Бу йиллар ичида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар ўсди. Бугунги кунда мамлакатимиз илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан, аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил юксалиб бораётган, иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, жадал суръатлар билан тараққий этаётган замонавий индустриал давлатга айланди.

Жумладан, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда. Жаҳон амалиётида кам учрайдиган бундай кўрсаткичлар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг марказида инсон туриши, уларнинг бош мақсади инсоннинг ҳаётий ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга қаратилганидан далолат беради. Энг муҳими, ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг ижтимоий онги ва сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотлар ва уларнинг юксак натижаларини эътироф этган ҳолда, биз мамлакатимизнинг бундан кейин ҳам изчил тараққий этиши, ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириши тарафдоримиз.

Шу билан бирга, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги вазифаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришимиз лозим, деб биламиз ва шунинг учун партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, парламентда ўзини муҳолиф деб эълон қилган куч сифатида сайловчиларга муқобил дастуримизни таклиф этмоқдамиз. Зеро, биз яшаётган мураккаб, глобаллашув асрида эришилган натижалар билан кифояланмасдан, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Мазкур дастур Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланади. Биз, шунингдек, «Куч – адолатда!», «Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони», «Адолат – ҳар бир инсон учун» ҳамда социал-демократиянинг энг муҳим қадриятлари бўлган – ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги ғояларига таянамиз. Бунда биз ҳаётимизга самарали татбиқ этиб келинаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги ўзаро чамбарчас ислоҳот ва ўзгаришларни амалда ўзини тўла оқлаган «Ўзбек модели»га мувофиқ равишда давом эттиришни яқин келажакдаги бош мақсадимиз, деб биламиз ва қуйидаги вазифаларни устувор деб ҳисоблаймиз:

МАҚСАДИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШ

Адолат ва ҳақиқатга интилиш, адолатли жамият қуриш халқимизнинг асрий орзулари сирасига киради. Зеро, адолат устун бўлган жойда иш юришади, юртда файзу барака бўлади, одамларда меҳр-оқибат кучаяди. Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади.

Шундай экан, **ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамият қуриш** борасидаги конституциявий нормаларимизни ҳаётга тизимли равишда ва кенг жорий этиш устувор вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Биз бунда ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари ҳукм сурадиган, аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган, фуқароларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ғояларига таянамиз.

Бизнинг мақсадимиз – давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш. Сиёсий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги таъминланиши учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

Биз **вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш,** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини кенг жорий этишни ёқлаймиз. Шунингдек, ҳокимиятнинг барча даражадаги бошқарув органлари вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида ўзаро очиқ мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини ечишда энг мақбул қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, бюрократизм ва коррупциянинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишга ҳам хизмат қилади, деб биламиз.

Маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида биз ҳокимларнинг вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини ишга қабул қилиш ва озод этишдаги, уларни жавобгарликка тортиш масаласидаги, ҳудуднинг кадрлар сиёсатига таъсир этишдаги ваколатларини кенгайтириш тарафдоримиз. Бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини чуқур хатловдан ўтказиш, ҳудудий давлат ҳокимияти органлари зиммасига муайян вазифа, ваколат ва топшириқ юклатилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга ошириш, назорат қилиш ва ҳисоботини эшитиш билан боғлиқ аниқ механизмларни акс эттириш, қолаверса, барча ҳудудий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларни ҳокимлар билан келишиш лозимлигини муҳим, деб биламиз.

Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси **давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш, жамоатчилик назорати институтини янада кучайтиришни** талаб этади. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик масалалар юзасидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат ижтимоий дастурлари ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини кучайтириш каби масалалар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Биз демократик жамиятни **матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди,** деб биламиз ва «Ошкоралик – фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир» деган тамойилга таянган ҳолда, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз. Ахборот соҳасида рақобат муҳитини янада кучайтириш, олиб борилаётган ислоҳотларнинг, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш зарур, деб биламиз.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш устувор вазифамиз ҳисобланади.

Шунингдек, биз босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантиришга, даврий матбуот маҳсулотларининг чакана савдо тармоқларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.

АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА!

Биз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Хусусан, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида **«Адолатли қонунларни қабул қилиш», «Қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади»** каби ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг ижтимоий ҳимояси амалда таъминланадиган ҳуқуқий давлат, халқчил, адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови, деб биламиз.

Биз асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартиришга интиламиз. Қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялари муҳим мезон бўлиши лозим.

Ҳар бир фуқарога жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифаси, деб биламиз.

Биз **«кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор»,** деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда суд ҳокимиятининг мустақиллигини, судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлигини, фаолиятининг очиқлиги ва холислигини таъминлаш, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш, одил судловнинг нуфузини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таклиф этамиз.

Биз, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида самарали натижа бераётган ярашув институтини янада кенгайтириш чораларини кўришимиз даркор. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, ҳар бир инсоннинг, айниқса, мансабдор шахсларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга асосланган фаолиятини йўлга қўйиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз зарур.

Жамият аъзоларининг Конституциямиз ва қонунларимиз ижросига бўлган ишончи – уларнинг эртанги кунга бўлган ишончидир. Шундай экан, биз давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик меъёрларининг бузилишига, уларнинг нотўғри ва эркин талқин этилишига, шунингдек, тўрачилик, расмиятчилик ва коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш тарафдоримиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, хусусан, ички ишлар, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши устидан кучли жамоатчилик назоратини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтлар, жумладан, Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ролини янада ошириш тарафдоримиз.

Шу билан бир вақтда, **жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш,** мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб боришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаро ўзининг ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиши мумкин. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга жорий этишни режалаштирмоқдамиз.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ!

Биз иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва суғурта тизимларини мустаҳкамлаш, четдан қарз олиш масалаларида консерватив ёндашувга асосланиш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз.

Замонавий ижтимоий давлат фақат юксак ривожланган, самарали ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга асосланиб муваффақиятли фаолият кўрсатади. Бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари эса социал-демократиянинг эркинлик, адолатлилик ва бирдамлик каби асосий қадриятларни амалга оширишда муҳим восита бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур деб биламиз ҳамда **«рақобат – мумкин қадар, давлат бошқаруви – зарурат қадар»** тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш тарафдоримиз.

Биз **мамлакатимиз келажаги – инновацион ривожланиш ва инновацион иқтисодиётда** деб биламиз ҳамда давлатнинг мувофиқлаштирувчилик фаолияти иқтисодиётнинг барқарор инновацион тараққиётида муҳим роль ўйнаши кераклигини эътироф этамиз. Янги технологияларга асосланган иқтисодиёт давлат қудратини оширади, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда замонавий иннновацион ва юқори технологияларни жадал ривожлантириш ва кенг жорий қилиш мақсадида биз махсус комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилишни режалаштирмоқдамиз.

Мазкур ҳужжатда, хусусан, қуйидагилар белгиланади:

– инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, илмий фаолиятни ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

– инновация ва инновацион инфратузилмаларнинг ягона ваколатли органини таъсис этиш;

– Давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан Инновация жамғармасини тузиш;

– иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш.

Биз **бюджет соҳасида** харажатларни кескин қисқартириш эвазига бюджет сиёсатини амалга ошириш тарафдори эмасмиз, чунки бюджет харажатлари иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан биридир, у аҳолининг тўлов қобилиятини кучайтириб, ўз навбатида, юксак самарали ишлаб чиқаришга рақбатлантиради ва якунда халқ фаровонлигини таъминлайди.

Молия бозорига аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағларининг фаол жалб қилиниши борасида ҳали ишлатилмаган кенг имкониятлар, ечимини кутаётган вазифалар мавжуд деб биламиз ва уларнинг ҳал этилиши иқтисодиётимизни ривожлантириш учун қўшимча инвестициялар ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизни ривожлантиришда ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга таяниш зарурлиги ҳақидаги узоқни кўзланган стратегияни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг республика ва ҳудудий инвестиция дастурларидаги иштирокини доимий ошириб бориш орқали истиқболда ҳам юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишимизга хизмат қилади.

Биз **ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига,** аввалам-бор, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт ва импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуқтаи назаридан ёндашамиз.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларининг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймаслик мақсадида биз йирик компанияларнинг марказий бошқарув органларини кичик шаҳарларга кўчириш ҳамда кичик шаҳарларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини республика бюджети ҳисобидан кенг кўламли реконструкция қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз иқтисодий соҳада, шунингдек, қуйидагиларни ҳам таклиф этамиз:

– энергия сарфини иқтисод қилишни рақбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этиш. Мавжуд муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозори яратилишини рағбатлантириш;

– муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш;

– мамлакатимизда уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда кенг фойдаланишга мўлжалланган қуёш батареяси ва бошқа қайта тикланувчи энергия олишга ихтисослашган инновацион технологияларни аҳолининг харид қобилиятига мос нархларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

– «яшил иқтисодиёт»га ва унга мос технологияларга ўтишни давлат томонидан кенг рағбатлантириш чораларини кучайтириш ва бу йўлда, айниқса, зарур инфратузилма яратилишига сармоя киритиш, бошқарувнинг самарали тизими ва хусусий сармоялар эвазига экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни янада фаоллаштириш;

– инвестиция таклифларини чуқур ўрганиш ва инвесторларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва юксак технологияларни киритиш, рақобатдош, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини қатъий назорат остига олиш асосида **корхона ва муассасаларни босқичма-босқич хусусийлаштириш сиёсатини давом эттириш** ва бу орқали аралаш иқтисодиёт доирасида давлат мулкини ҳимоя қилиш, стратегик муҳим объектларни уларнинг ижтимоий фойдалилигидан келиб чиқиб давлат тасарруфида қолдириш;

– экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, прогрессив солиқ тизимини босқичма-босқич жорий қилишни ўз ичига олган **самарали иқтисодий сиёсат воситаларидан оқилона фойдаланиш.**

Биз **экологик жиҳатдан тоза технологиялар** асосида жадал ривожланишни таъминлашга йўналтирилган мутаносиб иқтисодий сиёсат олиб боришни қўллаб-қувватлаймиз.

Саноат корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш долзарб вазифаларимиздан эканлигини қайд этамиз.

Қолаверса, экологик муаммоларни ҳал этишда, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратишни муҳим деб биламиз. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Биз «Ифлослантирувчи тўлаши ва кўп пул тўлаши лозим» деган принципни жорий қилиш тарафдоримиз.

Биз, шунингдек, иқтисодий лойиҳаларнинг экологик экспертизасини кучайтириш, унинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, бу ишга нодавлат нотижорат ташкилотларини, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН МАЖИТОВИЧ УМАРОВНИНГ ДАСТУРИ

Давоми. Бошланиши 2-бетда

Экология масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу соҳани комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқамиз ва уни ҳаётга татбиқ этамиз. Дастурда, хусусан, табиатнинг саноат корхоналари томонидан ифлосланишини камайтириш, чанг ва заҳарли моддаларни кўп ютувчи довдарахтлар сонини ва турини ошириш, шаҳарлар ва саноат корхоналари атрофида яшил майдонлар барпо этиш, саксовул ва бутазорларни кенгайтириш орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгилаб қўйилади.

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ!

Биз «Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир» деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ҳамда малакасидан келиб чиқиб меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашамиз.

Давлат бундан кейин ҳам: инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кафолатлаши; шахсий ташаббусларни рағбатлантириши; иш берувчилар ходимларнинг кучи ва соғлиғидан фойдаланишда суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслигини таъминлаши; фуқаролар ўзларининг жинси, ёши ва кучига тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланмасликларини назорат этиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистонда **«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун»** тамойилига амал қилган ҳолда, турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шарти бўлган, кўп йиллик мустақил тараққиётимиз даврида ўзини оқлаган давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттиришни таклиф этамиз.

Айни пайтда, бизнингча, ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақатгина давлат ҳокимияти органларининг хаттиҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли **давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини,** авваламбор, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим тизими, йўл қурилиши, коммунал соҳаларда ривожлантириш зарур деб биламиз. Бундай ҳамкорликнинг энг самарали шаклларини қўллаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиш, ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига биз, **биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш,** аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ишини йўқотганларга янги меҳнат ўринларини ҳамда касбий қайта тайёргарлик учун таълим олиш имкониятларини яратиш нуқтаи назаридан ёндашамиз. Биз ёшларни муносиб ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб қилиш, коллеж битирувчилари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш юзасидан давлат дастурларининг амалда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш ва ишсизликни минимал даражагача қисқартиришга интиламиз.

Биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, ишчилари ва хизматчиларини тизимли равишда ижтимоий ҳимоя қилаётган, уларнинг интеллектуал салоҳияти юксалиши, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасаларида ўқишлари ва малакаларини оширишларига, соғлиғини тиклашига кўмаклашаётган корхона ва ташкилотлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз. Зеро, инсоннинг оиласидаги фаровонлик, ўзининг ҳаётга муносабати, охир-оқибатда эса жамиятимизнинг барқарорлиги, унинг иш билан таъминлангани, ижтимоий ҳимоялангани, меҳнати учун муносиб ҳақ олаётганига бевосита ва билвосита боғлиқ.

Биз иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмагани, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш берувчилар жавобгарлигининг кучайтирилиши билан бирга жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш тарафдоримиз.

Биз **аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш тарафдоримиз.** Мустақиллик йилларида Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағлар улуши салкам 2 баробарга ошганлиги, амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, эришилган улкан марраларни эътироф этган ҳолда, ушбу соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, деб биламиз.

Зеро, халқи, фарзандлари соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучли ва қудратлидир.

Аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътиборимиз марказида бўлади.

Биз аҳоли ўртасида талаб юқори бўлган тиббиёт муолажаларига, хусусан, трансплантологияга, экстракорпорал уруғлантириш ва бошқа замонавий тиббий хизматларга рухсат бериш тарафдоримиз. Қолаверса, хорижнинг етук тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатишга, чет эл врачларининг Ўзбекистон тиббий муассасаларида жарроҳлик операциялари ўтказиш амалиётини кенгайтиришга, уларни доимий асосда ишга таклиф қилиш орқали миллий мутахассисларимизнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз **хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш,** уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўғинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қараймиз.

Биз, шунингдек, **уй-жой сотиб олиш ва қуриш** учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фоизларини оптималлаштириш, уй-жой бозоридаги фирибгарликлар учун назорат ва жавобгарликни кучайтириш, **уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш,** аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни ошириш тарафдоримиз.

ЗАМОНАВИЙ, ЮҚОРИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАДРЛАР – ЖАМИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Бугун биз XXI асрда – интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётган бир даврда яшаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Шу маънода инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва тараққий этиши, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, юртимиз ва халқимиз манфаатларига садоқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб биламиз.

Биз ўз олдимизга саноати юқори ривожланган, иқтисодиёти фан-техника ютуқлари ва инновацияга асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, олий мактабларни тамомлаган, замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратамиз. Чунки олий маълумотга эга инсон давлатдан иш сўраб, ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўзининг ташаббускорлиги, зукколиги ва уддабуронлиги, янгиликка интилувчанлиги билан янги иш ўринлари яратади, мамлакатнинг ривожланишида фаол иштирок этади.

Шундан келиб чиқиб, биз аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш, қолаверса, таълим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни устувор вазифалар сирасига киритамиз:

– халқ таълими тизимидаги ислоҳотларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтириш. Бу борада биз умумтаълим мактабларининг комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишни режалаштирганмиз;

– келажакда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, «инновацион ва билим иқтисодиёти»га ўтиш эҳтиёжлари ҳамда аҳолининг демографик ўсиши ва бошқа жараёнларни инобатга олиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлигини босқичма-босқич ошириб бориш, давлат ва хусусий сектор маблағлари эвазига таълим грантлари ажратилиши тизимини такомиллаштириш;

– олий ўқув юртларининг мустақиллиги, инновацион инфратузилмасини ва илм-фан, саноат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш, уларнинг базасида кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш;

– олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта кўриш, барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш;

– хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган олий маълумотга эга фуқароларимиз дипломларини нострификациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш;

– ҳудудларнинг муайян иқтисодий устунликларидан келиб чиққан ҳолда, пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларини тегишли ҳудудларга босқичма-босқич кўчириш;

– масофадан туриб таълим беришнинг замонавий шаклларини жадал суръатлар билан ривожлантириш;

– олий таълим муассасаларини кооператив турдаги олий таълим муассасаларига айлантириш орқали уларнинг соҳавий ихтисослашувини кучайтириш;

– ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий изланиш ва ишланмалар рақобатдошлигини кучайтириш;

– меҳнат ресурсларининг иш берувчи ва бозор талабларига тезроқ мослашишига кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатли ўқувларни ташкиллаштирувчи давлат ва нодавлат касб таълими тизимини янада ривожлантириш.

ТИНЧЛИКСЕВАР, ПРОГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТ: МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ

Биз тинчликсевар ташқи сиёсат тарафдоримиз. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокини кучайтиришни долзарб вазифа деб биламиз.

Биз Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясига асосланиб, жаҳон ҳамжамияти билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз. Қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларимизни минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида қурамиз.

Биз халқаро демократик жамиятнинг БМТ тизимини кучайтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини янги демократик дунёвий ҳамжамият яратиш томон ташланган муҳим қадам сифатида қўллаб-қувватлаймиз. Бундан кейин ҳам ядро қуролларисиз дунё, Марказий Осиёда ядро қуролларидан холи ҳудуд барпо этиш ғояларини илгари суришни давом эттирамиз.

Шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури доирасидаги ижтимоий ва гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш устувор вазифамиздир. Ушбу масалаларни ҳал қилишда БМТнинг ихтисослашган институтлари (ЮНЕП, ХМТ Тараққиёт дастури ва бошқалар) билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ижтимоий соҳага доир дастурларни ҳамкорликда амалга оширишда фаол иштирок этишни қўллаб-қувватлаймиз.

ЕХҲТ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ ЭКСПЕРТЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

2016 йил 2 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИҲБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Комиссиянинг ЕХҲТ ДИИҲБ билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бораётгани ва ижобий натижалар бераётганини таъкидлади. Жорий йилнинг 21 октябрида ДИИҲБ томонидан эълон қилинган ҳисоботда айтилганидек, Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Учрашувда ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси фаолияти, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикр алмашилди.

***

Шу куни пойтахтимизда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуклари бўйича бюроси миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш тадбирини бошлаши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги миссия пойтахтимизда 17 нафар кузатувчи эксперт ҳамда ҳудудларда фаолият кўрсатадиган 20 нафар узоқ муддатли кузатувчидан таркиб топиши маълум қилинди. Бундан ташқари, сайлов куни ДИИҲБ 250 нафар қисқа муддатли кузатувчиларни жалб қилиши режалаштирилган. Кузатувчи ва экспертлар ЕХҲТнинг 21 аъзо мамлакатидан жалб қилинади.

Узоқ муддатли кузатувчилар гуруҳи аъзолари мамлакатимизга шу йилнинг 5 ноябрь куни кела бошлайди, қисқа муддатли кузатувчилар 2-6 декабрь кунлари фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Сайловни кузатиш миссияси сайловни баҳолашда ЕХҲТ мажбуриятлари, демократик сайлов ўтказилишининг халқаро стандартлари ва талаблари ҳамда миллий қонунчиликка таянади. Кузатувчилар сайлов кампанияси тадбирларини, сайлов маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар фаолиятини, қонунчиликка риоя қилиш жараёнларини кузатади. Экспертлар сайлов тадбирлари оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишини мониторинг қилиб боради.

Кузатув давомида миссия тегишли давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, номзодлар, фуқаролик жамияти институти, оммавий ахборот воситалари ҳамда дипломатик корпус вакиллари билан учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган.

Сайлов куни кузатувчилар сайлов участкаларининг очилиши, овоз бериш жараёни, овозларни санаш ва унинг натижаларини тақдим қилиш жараёнларини кузатади. Миссиянинг дастлабки натижа ва хулосалари бўйича ҳужжат сайловдан бир кун ўтиб чоп этилади.

Бюро экспертлари 2015 йилнинг декабрь ойида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунларга ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганини алоҳида қайд этди. Сиёсий партиялар-нинг сайловда иштирок эта олишини енгиллаштириш мақсадида Президентликка номзод кўрсатиш учун зарур бўладиган имзолар сонининг қисқартирилгани, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни ўтказиш шакллари, турлари ва усуллари тўғрисидаги норманинг мустаҳкамлаб қўйилгани, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва жараёни мустаҳкамлаб қўйилгани, овоз бериш бошланишига бир кун қолганида ташвиқот қилинмаслиги, бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиб-таомили, сайловолди ташвиқоти ҳамда сайлов кампанияси молиялаштирилиши, шикоят ва аризалар кўриб чиқилиши, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларига оид масалаларни тартибга соладиган ҳужжатлар янгиланган ҳам таъкидланди.

Тадбирда миллий сайлов қонунчилигига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, қолаверса, мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини халқаро стандартларга мувофиқ очиқ ва ошкора ўтказишга тайёр эканини эътироф этган ҳолда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун ўзининг тўлақонли миссиясини юборишга қарор қилгани алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Наримон Умаровнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари сайловчилари билан учрашуви

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Вилоятнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилган янгиланишлар воҳа аҳлининг қарашлари, фикрида ҳам ўз аксини топмоқда. Тошгузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг ишга тушиши билан вилоятни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар билан боғлаш масофаси қисқарганлиги баробарида табиий бойликларни ўзлаштириш имконияти ҳам кенгайгани ҳамда темир йўл бўйлаб ишга туширилган объектлар, аҳоли турар жойлари, ҳудудда обод масканлар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Президентликка номзод Наримон Умаров ўз маърузасида дастлаб вилоят тараққиётида муҳим ўрин тутаётган ана шундай беқиёс янгиланишларга сайловчилар эътиборини қаратди.

Учрашувда Н.Умаров ўз сайловолди дастурининг устувор йўналишлари хусусида батафсил сўз юритди. Партия номзоди мазкур дастур Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етук адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланишини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Аввало, биз вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини кенг жорий этишни ёқлаймиз. Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига доир қарорларни қабул қилишда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда бюрократизм ва коррупциянинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишга ҳам хизмат қилади.

Партия номзоди иқтисодий соҳада илгари сурилган асосий вазифалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритди.

— Жумладан, бу борада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз, — деди Н.Умаров. — Иқтисодий тараққиётимизнинг ҳозирги ва истиқболдаги босқичида биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур, деб билган ҳолда "рақобат – мумкин қадар, давлат бошқаруви – зарурат қадар" тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этишга эътибор қаратамиз.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларининг ривожланишини жадаллаштириш, ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий ва ижтимоий тафовутга йўл қўймаслик мақсадида амалий ишларни кучайтириш, кичик шаҳарларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини республика бюджети ҳисобидан кенг кўламли реконструкция қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Партия номзодининг дастурида бугунги кунда жамиятимизнинг турли соҳаларида учраётган айрим муаммолар, фуқароларимизни ўйлантираётган масалалар ечими бўйича аниқ таклиф ва механизмлар илгари сурилганлиги, ўйлаймизки, сайловчиларни бефарқ қолдирмайди. Дастурда, айниқса, ижтимоий соҳада белгиланган вазифалар, хусусан, таълим соҳасини ислоҳ этиш борасида илгари сурилаётган мақсад, вазифалар республикамиз ҳудудларидаги мавжуд эҳтиёжларидан келиб чиққан.

Хусусан, номзод сўнгги йилларда ёшларимиз ўртасида олий маълумот олишга бўлган интилиш кучайиб бораётганлиги хусусида тўхталар экан, бу борада абитуриентлар сони нуқтаи назаридан аниқ мисолларни келтириб ўтди. Шуни назарда тутиб, Н.Умаров ўз дастурида олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта кўриш, барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш ҳамда таълим-тарбия соҳасида узвийликни таъминлашга қаратилган қатор ғояларни илгари сураётганини билдирди. Ушбу ҳаётий таклифлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Президентликка номзод учрашув иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Жумладан, жамиятимизда ҳали ҳануз учраб турадиган адолатсизлик, коррупция ва бюрократия каби иллатларга қарши айнан қандай усул ва воситалар орқали курашиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш борасидаги чора-тадбирлар, экология ва атроф-муҳит ҳимоясига доир режалар ҳақида берилган саволлар ва уларга номзоднинг батафсил жавоблари барчанинг диққатини ўзига жалб этди.

— Номзоднинг таълим соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган истиқболли таклифлари, айниқса, ўқитувчи-педагогларнинг эътиборини тортади, — деди тадбирда сўзга чиққан Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Назокат Хидирова. — Жумладан, халқ таълими тизимидаги ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида педагог-муаллимлар меҳнатини рағбатлантириш, ўқитувчилик касби нуфузини ошириш, умумтаълим мактабларини янада оширишга имконият яратишини таъкидлаб ўтди. Мазкур таклифни сайловчилар кўтаринки кайфиятда қабул қилдилар ва қўллаб-қувватладилар.

ҚАШҚАДАРЁ. Жорий йилнинг 2 ноябрь куни партия номзоди Наримон Умаровнинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашуви қизғин ва очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

Қарши шаҳрида ўтказилган тадбирда партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари, маҳаллалар етакчилари, 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Вилоят ҳудудларидаги учрашув жойларида йиғилган сайловчилар ҳам тўғридан-тўғри видеоалоқа орқали учрашувда иштирок этишди. Онлайн видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда асосий залда 250 нафардан ортиқ, ҳудудлардан 1300 нафарга яқин фуқаро иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рўйиддин Раупов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н.Умаровнинг ишончли вакили Комил Сахатов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти билан таништирди.

Учрашувда Н.Умаров катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Қашқадарё вилояти мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутишини, айни пайтда уч миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган шундай бетакрор замин меҳнаткашлари самарали ва бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшаётганини эътироф этди.

Партия номзоди Н.Умаров Қашқадарё вилояти сайловчиларига ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўзлаб берди. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойилларини изчил таъминлаш, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилишини кучайтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, барча соҳага инновацияларни жорий қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш каби устувор вазифалар ўз дастуридан ўрин олганини таъкидлаб ўтди.

— Замонавий ижтимоий давлат фақат юксак ривожланган, самарали ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга асосланиб муваффақиятли фаолият кўрсатади, — деди Н.Умаров. — Бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари эса социал-демократиянинг эркинлик, адолатлилик ва бирдамлик каби асосий қадриятларини амалга оширишда муҳим восита бўлади.

Н.Умаров вилоятнинг иқтисодий салоҳияти ҳақида сўз юритиб, ҳозирда республикамизда қазиб олинаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 92 фоизи айни шу ҳудуд ҳиссасига тўғри келаётганини қайд этди. Шундан келиб чиқиб, номзод нефть-газ соҳасидаги республикамизда фаолият юритаётган йирик компанияларнинг марказий бошқарув органларини вилоятнинг тегишли кичик шаҳарларига кўчириш таклифини илгари сурди. Бу эса нефть-газ соҳасидаги бошқарув тизимини оптималлаштиришга, Қашқадарё вилоятининг иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилашга, янги иш ўринларини яратишга ва пировардида аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга имконият яратишини таъкидлаб ўтди. Мазкур таклифни сайловчилар кўтаринки кайфиятда қабул қилдилар ва қўллаб-қувватладилар.

Сайловчилар билан учрашувда номзод Наримон Умаров мамлакатни модернизация қилиш ва давлат бошқарувини такомиллаштиришда сиёсий партияларнинг роли ортиб бораётганлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

— Партиямизнинг дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити яратишни мақсад қилар эканмиз, бу вазифани иқтисодий ислоҳотларни навбатдаги босқичга кўтариш орқали уддалаш мумкинлигини яхши англаймиз, — деди Н.Умаров. — Шу боис ҳам иқтисодиётнинг барча тармоқларини бугунги давр талабларига мос тарзда янада тараққий эттириш, инновацион технологияларни ҳаётга жорий этган ҳолда, маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш катта ютуғимиз бўлади. Шу маънода халқимизнинг мамлакатимизда кечаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислоҳотларда янада фаол иштирок этиши учун ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб зарур шарт-шароитларни яратиш ғоятда муҳим.

Сайловолди учрашувида вилоят ёшларининг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари ҳам диққат марказида бўлди. Бинобарин 4 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида вилоят бўйича иштирок этиши кўзда тутилган жами 1 миллион 984 минг 42 нафар сайловчининг 55 минг 356 нафарини бу йил сайловда илк маротаба овоз бераётган ёшлар ташкил этади.

Учрашув давомида Н.Умаровга сайловчиларнинг берган саволларида дастурдаги йўналишлар, таклиф ва ғояларнинг амалий механизмлари уларни қизиқтираётгани яққол кўринди. Жумладан, жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳолининг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш каби масалалар бевосита маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини ошириш билан боғлиқ равишда дастурда акс этганидан келиб чиқиб, бу борада қандай аниқ механизмлар назарда тутилгани, номзод дастури яна қандай янги ҳуқуқий асослар, қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқишни тақозо қилиши, бу борада маҳаллий Кенгашлар депутатлари эътибор қаратиши лозим бўлган долзарб масалаларга оид ва бошқа шу каби саволларга партия номзоди атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашувда сўзга чиққан партия фаоллари Наримон Умаровнинг сайловолди дастури мамлакатимизнинг бугунги ва келгуси тараққиёти учун пухта ўйланган ва чуқур асосли таклиф ҳамда вазифаларни илгари суриши билан аҳамиятли эканини эътироф қилдилар. Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати А.Бобоев, Қарши тиббиёт коллежи ўқитувчиси Тўлқин Нодиров, вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири Замира Бобоназарова, Қарши давлат университети қошидаги "Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази"нинг "Умумий фанлар" кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Инобат Ражабова ва бошқалар бўлажак сайловда Наримон Умаров номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

ФАРҒОНА. Президентликка номзод Наримон Умаровнинг Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашуви ҳам очиқ ва жонли мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

Риштон тумани ҳокимияти фаоллар залида ўтказилган тадбирда бевосита 200 нафарга яқин, онлайн тизими орқали туман, шаҳарлардаги учрашув жойларидан 4300 нафардан ортиқ сайловчи қатнашди.

Тадбирни халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати, "Марғилон ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири Шерзод Каримов олиб борди. Номзоднинг ишончли вакили Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Маъруфжон Холдоров йиғилганларни партия номзоди Н.Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Н.Умаров ўз сўзида Фарғона вилоятида кейинги йилларда амалга оширилган улуғ бунёдкорлик ишлари хусусида тўхталар экан, шаҳар ва туманларда барпо этилган кўркам бинолар, спорт иншоотлари, саноат корхоналари, замонавий таълим муассасалари, янги кўчалар водий гавҳари бўлмиш Фарғонага ўзгача кўрк ва файз бағишлаганини эътироф этди.

Президентликка номзод сайловчиларга ўз сайловолди дастурида илгари сурилаётган ғоя ва таклифлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Қайд этилганидек, дастурда "Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир" деган тамойилга таянган ҳолда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатининг миқдори ва сифатидан келиб чиққан ҳолда муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш ғояси илгари сурилмоқда.

Фарғона республикамизда аҳолиси ва меҳнат ресурслари энг кўп вилоятлардан бири бўлиб, шунга мутаносиб равишда тадбиркорлик соҳаси ривожланган ҳудуд саналади.

— Айни пайтда, афсуски, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг барчаси ҳам ўз қўл остидаги ходимларини меҳнат шартномаси асосида, муносиб иш шароитлари яратган ҳолда ишлатмаётганлигини назардан четда қолдириб бўлмайди, — дея қайд этиб ўтди Н.Умаров. — Шундан келиб чиқиб, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмагани, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш берувчилар жавобгарлигининг кучайтирилишини таъминлаш тарафдоримиз.

Наримон Умаров учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Сайловолди тадбирида партия фаоллари Президентликка номзод ва унинг дастури ҳақида сўз юритдилар.

— Дастурда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масаласига алоҳида ўрин берилгани бежиз эмас. Чунки фуқаролик жамияти шаклланишининг асосини ташкил этадиган пойдевор айнан ушбу органдир, — деди халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати, Фарғона шаҳар 44-давлат мактабгача таълим муассасаси мудири Дилором Бўрибекова. — Маҳалла институтининг бундан кейин ҳам такомиллашуви, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш марказига айланиши учун унга давлат ваколатларини бериш, маҳаллада замонавий дунёвий жамиятнинг манфаатларига жавоб берадиган янги хулқ-атвор намуналари ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясида маҳалланинг аҳамияти ва таъсири янада кучайиши каби эзгу ғояларнинг илгари сурилганлиги сайловчиларга манзур бўлади, деб биламиз Зеро, бу "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалда намоён бўлишидир.

— Соғлиқни саклаш тизимининг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, соҳага оид давлат дастурларини қабул қилиш каби ҳаётий ғояларни ўзида акс эттирган дастур тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўла олади, — деди Фарғона перинатал маркази бош шифокори Раъно Сулайманова. — Шу билан бирга, айниқса, аҳоли ўртасида талаби юқори бўлган тиббиёт муолажалари, замонавий тиббий хизматларни йўлга қўйиш, хорижнинг етук тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатиш масалалари сайловчиларнинг партиямиз номзодига хайрихоҳлигини кучайтиради, деган фикрдамиз.

Шунингдек, дастурда хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат бозорида уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган аёлларни давлат бошқаруви органларининг барча соҳалари ва бўғинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қаралганлиги жотин-қизлар ва ёшларни асло бефарқ қолдирмайди.

Тадбирда "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб Фарғона политехника институти катта ўқитувчиси Шоҳида Аббасова, Фарғона давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицей директори Фарҳод Абдуллазов ҳамда бошқалар сўзга чиқиб, вилоят аҳолисини 2016 йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга, партиямиз номзоди учун овоз беришга чақирди.

Партия фаоллари таъкидлаганидек, адолат сўзи халқимиз дилига яқин сўз бўлганидек, "Куч – адолатда", "Адолат – қонун устуворлигида" каби халқпарвар ва улуғ ғояларни илгари суриб, мамлакат ҳаётида рўёбга чиқараётган партиямиз ва унинг номзодига фуқароларнинг хайрихоҳлик билан қарашлари Президентлик сайловида партия номзодининг муваффақиятга эришишида ижобий таъсирини кўрсатади, албатта. Бунга ишончимиз комил. Зеро, партиямиз ташкилотлари, депутатлар ва фаоллари доим элнинг эътибор-назарида, уларнинг ишончини оқлаб келмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаров ва ишончли вакилларининг ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Мақсуд ТЎРАЕВ, Комила ИСРОИЛОВА,
Сурхондарё, Фарғона вилоятлари матбуот котиблари.
Моҳинабону УБАЙДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилоят кенгаши бўлим мутахассиси

Очиқ, ошкора, адолатли ва холис

сайловолди ташвиқоти — номзодларга тенг имконият демак

Жорий йилнинг 28 октябрида Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади.

Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзод учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади. Айнан сайловолди ташвиқоти давомида сайловчилар сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар дастурлари, уларнинг мақсад ва ғоялари ҳақида янада кўплаб маълумотларга эга бўлиши кузатилади. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг лойиҳа раҳбари Азизжон ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби, унинг турлари ва шаклларига бағишланди.

— Сайловолди ташвиқоти — бу сайлов кампаниясининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бўлиб, бу даврда сиёсий партиялар ва улардан илгари сурилган номзод сайловчиларни ўз келгуси фаолият дастури билан таништиради. Уларнинг сайловда муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан сайловолди ташвиқотини нечоғлик фаол ва самарали ташкил этишига боғлиқдир.

Сайловолди ташвиқоти миллий сайлов қонунчилигимизда белгилаб берилган меъёрлар асосида амалга оширилади. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун ҳамда жорий йилнинг 3 октябрида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низом сайловолди ташвиқоти адолатли, холис, очиқ ва ошкора олиб борилиши учун барча номзодларга тенг имкониятлар яратилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.

Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, "Тошкент" телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади.

"Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида 6 саҳифадан, "Нурлы жол" ва "Овози тожик" газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Шунингдек, номзоднинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситасидан, яъни махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланадилар. Республикамизнинг 36 та электор мониторида ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Сайловолди ташвиқоти ўтказилаётганда номзодларга бир хил ҳажмдаги эфир вақти ва чоп этиш майдони бепул тақдим этилиши орқали уларга давлат ОАВдан фойдаланишда тенг имконияти берилади. Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шароитлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин. Бу каби имконият, шароитлардан сиёсий партиялар ва номзодлар унумли фойдаланишади, деб умид қиламиз.

Кези келганда яна бир жиҳатга эътибор қаратмасдан бўлмайди. Давлат теле- ва радиоканалларида ажратиладиган бепул эфир вақти, қоида тариқасида, энг кўп аудитория қамраб олинадиган вақтга (прайм-таймга) тўғри келиши инобатга олинади. Муайян номзодга тақдим этилган бепул эфир вақтидан ёки чоп этиш майдонидан бошқа номзод фойдаланиши мумкин эмас. Номзод бепул тақдим этилган эфир вақтидан ва чоп этиш майдонидан воз кечишга ҳақли.

— Айтинг-чи, сайловолди ташвиқотини ўтказиш тартиби, турлари ва шаклларини ким белгилайди?

— Жуда ҳам тўғри саволни ўртага ташладингиз. Аввало айтиш керак, сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг турлари, шакллари, усуллари ва мазмунмоҳиятини номзодларнинг ўзлари мустақил белгилайди. Айни пайтда миллий сайлов қонунчилигимизда номзодлар сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш, тарқатиш ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, шунингдек, оммавий дебатлар, мунозаралар, матбуот анжуманлари, интервью, чиқишлар, сайловчилар йиғилишлари, номзод тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида ўтказиши мустаҳкамлаб қўйилган.

— Номзоднинг сайловолди ташвиқотини уюшқоқлик билан ўтказишда уларнинг ишончли вакиллари хизматини эътироф этмасдан бўлмайди. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тўхталсангиз.

— Ишончли вакил давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан муносабатларда номзод манфаатларини кўзлаб иш юритадиган шахс саналади. Номзод 15 нафаргача ишончли вакилга, қоида тариқасида, ҳар бир сайлов округидан биттадан ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли. Ишончли вакил сайлов комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ишончли вакиллар номзоднинг тақдимномасига кўра МСК томонидан рўйхатга олинади ва уларга махсус гувоҳномалар тақдим этилади. Ишончли вакил исталган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. Номзод сайловгача бўлган исталган вақтда ўз ишончли вакилини ваколатларидан маҳрум қилиши ва бу ҳақда тегишли округ сайлов комиссиясини хабардор этиб, уни алмаштириши мумкин. Ишончли вакилга унинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддаси талабларига мувофиқ сайловолди ташвиқоти ўтказиш даврида иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин.

— Сайловолди ташвиқотида номзодларга тенг имкониятлар яратилиши ҳақида тўхталиб ўтдингиз. Айтинг-чи, ташвиқот даврида нималар тақиқланади?

— Кўпчиликка маълум, сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Шунингдек, амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайловолди ташвиқотини сайловчиларга товарларни, хизматларни бепул ёки имтиёзли асосларда тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари тўлаш орқали ўтказиш тақиқланади. Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Қонунчилигимизга мувофиқ, номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун маблағлар Давлат бюджетидан ажратилади. Номзодларга бошқа манбалардан пул маблағларини ўтказиш (киритиш), товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклида молиявий таъминлаш ва бошқача тарзда молиявий қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Адолатлилик, холислик таъминланиши мақсадида сиёсий партиядан кўрсатилган номзод сайлов кампаниясида иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган республика бюджети маблағларининг ҳажми МСК томонидан тенг улушларда белгиланади.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, номзодлар ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Нотўғри, номзоднинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш, шунингдек, номзоднинг розилигисиз унинг шахсий ёки оилавий сиридан иборат хусусий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ноқонуний тўплаш ёки тарқатиш тақиқланади. Номзодлар ОАВда чоп этилган нотўғри ҳамда ўзининг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказган маълумотлар юзасидан раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, ёдгорликларга, сайлов комиссияси жойлашган биноларга, овоз бериш хоналарига босма ташвиқот материалларини жойлаштириш тақиқланади.

"Adolat" мухбири Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди.

Фаолият асоси — сайловчи ишончи

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Штаб аъзолари журналистлар билан яқин алоқани йўлга қўйган ҳолда Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш бўйича тадбирлар дастурини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Дарҳақиқат, сайловолди ташвиқоти даврида ОАВ орқали чиқишлар ва фуқаролар билан учрашувлар орқали номзоднинг дастуридан ўрин олган устувор вазифаларни юқори савияда, маҳорат билан сайловчиларга етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда мақсадимиз номзоднинг жойларда ўтказаётган учрашувларини намунали ташкил этиш, учрашувларда кенг жамоатчиликни қамраб олиш, уларга номзодимиз илгари сураётган ғояларни етказиш ва сайловчилар фикрини ўрганишдан иборат. Дастлабки учрашувлардан маълум бўлдики, бугунги сайловчининг мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларга қизиқиши, овоз беришдек муҳим ҳуқуқидан фойдаланишга интилиши баланд. Ўз ўрнида, партиямиздан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури иштирокчиларни бефарқ қолдирмади, ундан ўз келажаклари учун тааллуқли нуқталарни топдилар, дастур билан танишиш жараёнида туғилган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Номзоднинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказаётганидан фойдаланиб, иштирокчиларга тарғибот материаллари тарқатиш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Ҳозирда шаҳарнинг аҳоли билан гавжум масканларида тарғибот материаллари тарқатилмоқда.

Таълим даргоҳларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, талаба-ёшларни номзодимиз ҳақида маълумот берувчи буклет, флаер, дастур билан таъминлаш эса сайлов кампанияси давридаги доимий вазифаларимиз сирасига киради. Бу борада сайловда илк бор иштирок этадиган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Овоз бериш ҳуқуқига эндигина эга бўлган коллеж ва лицей ўқувчиларига сайлов қонунчилиги, тартиб-қоидалари, сиёсий майдондаги аҳамияти тушунтирилиши билан бирга зарур қўлланмалар, сайловга оид эсдалик совғалари тақдим этилмоқда. Сайловда биринчи маротаба иштирок этадиган ёшлар ўртасидаги тарғибот акциялари йигит-қизларда катта таассурот қолдирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, партиямизнинг республика ва ҳудудлар бўйлаб ташкил этилган штаблари фаолликни қўлдан бой бермай, партиямизнинг сиёсий майдондаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, сайловчи ишончига кириш учун бел боғлаганлар.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Мақсадимиз демократик ижтимоий давлат

ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Президентликка кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида ҳокимларнинг вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини ишга қабул қилиш ва озод этишдаги, уларни жавобгарликка тортиш масаласидаги, ҳудуднинг кадрлар сиёсатига таъсир этишдаги ваколатларини кенгайтириш навбатдаги ислоҳотларнинг давоми сифатида белгиланган.

Бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини чуқур хатловдан ўтказиш, ҳудудий давлат ҳокимияти органлари зиммасига муайян вазифа, ваколат ва топшириқ юклатилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга ошириш, назорат қилиш ва ҳисоботини эшитиш билан боғлиқ аниқ механизмларни акс эттириш, қолаверса, барча ҳудудий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларни ҳокимлар билан келишиш лозимлигини муҳим деб кўрсатиб ўтилган.

"Адолат" социал-демократик партиясининг мақсадларидан бири ҳам давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш ҳисобланиб, партия сиёсий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги таъминланиши тарафдоридир.

"Адолат" социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этар экан, вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини кенг жорий этишни навбатдаги ислоҳотларнинг негизи бўлиши лозим, деб билади.

Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини ечишда энг мақбул қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, бюрократизм ва коррупциянинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишга ҳам хизмат қилади.

"Адолат" социал-демократик партияси дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари фаолияти устидан чинакам назорат олиб боришини ҳам тақозо этади, деб ҳисоблайди. Бу жараёнда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ҳақиқийлиги, сифат даражаси, ижтимоий жараёнларга таъсири муҳим роль ўйнайди.

Шу сабабли, партия Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш, жамоатчилик назорати институтини янада кучайтиришни талаб этади, деб ҳисоблайди.

Бунда, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик масалалар юзасидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат ижтимоий дастурлари ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказилиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратилиши, уларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки кучайтирилиши доимий эътибор марказида бўлиши лозим.

Албатта, "Адолат" социал-демократик партияси дастурий ғояларига кўра, демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу натижаларга эришиш учун ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ўз навбатида, ахборот соҳасида рақобат муҳитини янада кучайтириш, олиб борилаётган ислоҳотларнинг, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш зарурияти келиб чиқади. Бундай жараёнда, давлат олдида турган устувор вазифа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилган чуқур демократик ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида "Адолат" социал-демократик партиясининг муваффақиятли иштирок этишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод сайловолди дастурида белгиланган вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, халқимизнинг бой турмуш тажрибасига асосланган ҳолда республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишда давом этаверади. Партия номзодининг сайловолди дастури ҳам адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, тенглар ичра тенг мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини, унинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши, халқимизнинг янада фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Биз барча сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиз номзоди Наримон Умаровга овоз беришга чақирамиз!

Шуҳрат ПОЛВОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Сайловолди ташвиқот тадбирлари қизғин давом этаётган шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий сайлов штаби, ҳудудий ташкилотларда 14 та ҳудудий сайлов штаби ва 194 та туман, шаҳар сайлов штаблари фаол иш олиб бормоқда. Улар сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишда таянч тузилмалар вазифасини ўтамоқда.

Ҳудудий ташкилотнинг сайлов штаби

ҳам мулоқот, ҳам тарғибот марказига айланган

Самарқанд вилоят партия кенгаши сайлов штабига ҳар куни ўнлаб кишилар ташриф буюришади. Мурожаатлар мазмуни ҳам турлича.

— Мен номзоднинг сайловолди дастурида кўрсатилган ижтимоий соҳа, хусусан, тиббий хизмат йўналишида ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар ва кекса ёшдаги кишиларнинг оилавий шароитини яхшилашга қаратилган ғамхўрликлардан хабардор бўлишни истайман, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи нафақахўр Дилором Халилова.

— Мен эса таълимда замонавий даража ва моддий базани таъминлаш эртага қандай истиқболли имкониятлар яратишини билиш ва ўқувчиларимга бу ҳақда сўзлаб бериш учун келганман, — дейди педагог Зебунисо Аҳмедова.

Бу вилоят партия кенгашининг сайлов штабига ташриф буюрганлардан атиги икки нафарининг мурожаати. Сайлов штаби аъзолари ҳар бир сайловчининг мурожаатига партия номзодининг сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда асосли жавоб қайтариш, савол эгасида ишонч ва самимият уйғотишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Сайлов штабининг эшиги сайловчилар учун доимо очиқ, — дейди вилоят партия кенгаши раисининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Улуғбек Облоқулов. — Ўз фаолиятимизни сайлов қонунлари доирасида босқичма-босқич амалга ошираяпмиз. Хусусан, номзоднинг 1030 та сайлов участкаларидаги кузатувчилари рўйхати тўлиқ шакллантирилди. Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларидаги марказий кўчаларига партия номзодини тарғиб қилувчи 53 та махсус баннерлар ўрнатилди. Партия номзоди Н.Умаровнинг сайловолди дастури вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларига етказиб берилган. Сайлов округи, ОАВ ва электорат билан сайлов кампанияси жараёнида фаол ҳамкорлик қилишдан мақсад сайловларнинг очиқ-ошкора, демократик тамойиллар асосида ўтиши ва ўз партиямизнинг сиёсий позициясини янада мустаҳкамлаб олишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сайлов штаби сайловга оид барча ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, партия дастурий ғояларини ва Президентликка номзод Н.Умаров ва унинг дастурини тарғиб қилувчи тарғибот материаллари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ, "Adolat" мухбири

Суратда: *сайлов штаби фаолиятидан лавҳа.*

Муҳим жараён ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Марғуба ВАҲОБОВА,
Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси:

— Устозларимиз доимо биз, ёшларга ўз олдимизга эзгу ва катта мақсадларни қўйишни ўргатиб келишади. Сабаби, инсоннинг ҳаётда қандай ютуқларга эришиши аввало илгари сурган мақсадига боғлиқ бўлади. Масалан, менинг мақсадим — эртанги кунда ўзим танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиш орқали юртимиз ривожланишига муносиб даражада ҳисса қўшиш. Бунга эришиш учун эса мен сайловда ўз овозим билан иштирок этишим ҳам керак.

Бу йилги Президент сайловида илк бора қатнашаман: яқинда 18 ёшга тўлиб, сайлаш ҳуқуқини қўлга киритдим. Ҳозирги пайтда интернет, матбуот, телевидение орқали кузатиб бораяпман. Сайловолди ташвиқоти қизғин сурьатларда ўтказилаяпти. Барча сиёсий партиялардан илгари сурилаётган номзодлар рўйхатга олинди. Номзодларнинг таржимаи ҳоллари, Сайловолди дастурлари билан ҳам танишаяпмиз. Умуман олганда, сайлов жараёни мен ва тенгдош дўстларимда кучли қизиқиш уйготмоқда. Зотан, Ватаннинг келажаги, яъни ўзининг, оиласининг тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро борки, сайловда фаол иштирок этиб, мустаҳкам фуқаролик позициясини намоён қилишига ишончим комил.

Аббос СОБИТОВ,
Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси:

— Сўнгги пайтларда касб-ҳунар коллежимизда сиёсий партиялар вакиллари, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа мутахассислари иштирокида миллий сайлов қонунчилигида белгиланган меъёрлар ва уларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар тез-тез ўтказилаяпти. Бу каби тадбирларда биз, ёшларга мамлакатимизда сайловга оид қабул қилинган қонунлар ҳақида маълумотлар берилишидан ташқари юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, бир-биридан фарқли ва ўхшаш томонлари, улар илгари сураётган гоялари ҳақида сўзлаб беришаяпти. Бу каби учрашувлар ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

4 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида ўз овозим билан иштирок этиш, ўз сиёсий ҳуқуқимдан фойдаланиш ниятидаман.

Нодира ҚУРБОНОВА,
Тошкент тиббиёт академияси 1-босқич талабаси:

— 2016 йил мен учун унутилмас воқеаларга бой ўтаяпти. Ушбу йилда Тошкент тиббиёт академияси талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Академиядаги таълим-тарбия жараёни, ўқув дастурлари, ўтилаётган фанлар, ўқитувчиларимизнинг маҳорати, иқтидорли курсдошларимнинг интилишлари — буларнинг барчаси менда катта таассурот қолдираяпти.

Шу йили 4 декабрь ҳам ҳаётимдаги энг унутилмас кунларимдан бири бўлса, ажаб эмас. Сабаби, бу йил мен илк бора Президент сайловида иштирок этаман. Бу мен учун катта шараф. Айни пайтда зиммамга маъсулият юклайди. Сабаби, биз, сайловчилар ўз овозимиз билан эртанги кунда давлатимиз қандай ривожланишини белгилаб берамиз.

Бугун академиямизда, оила ва маҳалламизда декабрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловига юксак даражада фаоллик ва уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз, қолаверса, сайловолди ташвиқот даврида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали тўлиқ маълумотларга эга бўлаяпмиз. Кези келганда таъкидламоқчиман, оиламизда ҳар биримиз ўзимиз учун ўзимиз овоз берамиз. Бинобарин, қонунчилигимизда ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Маржона ИСМАТОВА тайёрлади.

Ёш сайловчиларга ҳуқуқий тушунчалар берилди

Боёвут ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан "Мен сайловда илк маротаба иштирок этаман" мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси Орифжон Қудратов, вилоят партия кенгаши вакиллари, коллеж ўқитувчилари, партия фаоллари, сайловда илк бор овоз берувчи ёшлар ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда қайд этилганидек, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур қилиш қийин. Негаки, сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ва ҳар қайси жамиятда инсонларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфияти яққол намоён бўлади. Сайловларнинг белгиланган тартиб асосида ўтиши мамлакатдаги ҳуқуқий меъёрлар, сайлов ҳуқуқи эркинлиги қандайлиги ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Тадбир иштирокчилари жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари, миллий сайлов қонунчилиги ва ёшларнинг бу борадаги ҳуқуқлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, тадбир давомида сайловларда илк бор қатнашаётган ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган "Мен сайловда овоз бераман" мавзусидаги викторина ўйини қизиқарли тарзда ўтди. Саволларга тўғри жавоб берган иштирокчиларга вилоят партия кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ўз сиёсий билимларини фаол намоён қилган 2 нафар илк бор овоз берувчи ёшга "Адолат билимдони" вимпели топширилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тадбир ташкилотчилари томонидан тўлалигича жавоб олдилар.

Сирдарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

Нукус тиббиёт коллежи биносида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-сайлов участкасида 2 минг 760 фуқаро овоз бериши кутилмоқда.

Мазкур сайлов участкаси замонавий техник воситалар, сайловга оид қонун ҳужжатлари, тегишли қўлланмалар билан таъминланиб, сайловчилар учун барча шароит яратилган. Тиббиёт, она ва бола хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Сайловчиларнинг 43 нафари сайлов ҳуқуқидан биринчи марта фойдаланади. Улар сайлов қонунчилиги ва овоз бериш қоидалари билан таништириб боримоқда.

М.ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Семинар-тренинглар уюшқоқлик билан ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган навбатдаги онлайн-семинар жойларда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни уюшқоқлик билан ташкил этиш масалаларига бағишланди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинар-тренингни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Тадбирда Марказий, округ сайлов комиссияси аъзолари, депутатлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича олим ва мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссиялари фаолиятнини йўналтириб боради. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги бўйича билимларини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йилнинг 13 октябрида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ўтказиш тўғрисида"ги қарор қабул килинган.

Мазкур қарор асосида участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган республика ҳамда ҳудудлар микёсида семинар-тренинглар ўтказилишига оид концепция ишлаб чиқилган бўлиб, семинар-тренингда участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, участка сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўникмаларини ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, участка сайлов комиссияси аъзоларидан сайлов жараёнида кузатувчилар иштирокининг аҳамияти, сайловлар очиклиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда бошқа муҳим масалалар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши талаб этилади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар жойларда участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренингларни уюшқоқлик билан ўтказиш, эркин фикр алмашуви ҳамда савол-жавоб тарзида ўтказиш юзасидан таклиф ва тавсияларини билдиришди.

Саодат СОДИҚОВА,
"Adolat" мухбири

Тайёргарлик қизғин

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам жорий йилнинг 4 декабрида ўтказиладиган Президент сайловига кенг миқёсда тайёргарлик кўрилмоқда. Сиёсий партияларнинг вакиллари мамлакатимизда сайловларни ўтказишнинг халқаро андозаларига мос мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилганлигини қайд этмоқдалар. Ушбу муҳим сиёсий тадбир тенглик, ошкоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтказилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгашида ўтказилаётган йиғилишларда сайлов кампаниясининг боришини мунтазам муҳокама қилиб бормоқдамиз. Вилоят партия кенгаши сайлов штабининг аъзолари бу борадаги ахборот билан барчамизни таништирмоқда. Шунга қараб шаҳар ва туман партия кенгашлари сайлов штаблари ўз иш режаларини белгилаб олмоқдалар.

Масалан, яқинда ўтказилган йиғилишда вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округи сайлов комиссияси ташкил этаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди. Қайд этилганидек, шаҳар ва туманлардаги 690 та сайлов участкасининг шаҳсий таркиби тасдиқланганидан сўнг улар бевосита амалий ишга киришдилар. Округ сайлов комиссияси уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, яқинда Наманган шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 79-сайлов участкасида кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда сайловга тайёргарлик ишларининг бориши атрофлича муҳокама қилинди.

Аввало, шуни айтиш керакки, бугунги кунда вилоят марказида 389 минг 349 сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқидан эркин фойдаланиши, танлаган номзодига овоз бериши учун ҳар томонлама қулай ва замонавий биноларда 140 сайлов участкаси ташкил қилинган. Юқорида зикр этилган 79-сайлов участкаси эса Бобур шоҳкўчасидаги Агротадбиркорлик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган. Бу ерда 4 декабрда салкам уч минг киши овоз бериши кутилмоқда. Уларнинг қарийб юз нафарини биринчи марта овоз берадиган ёшлар ташкил этади.

Семинар қатнашчилари ушбу сайлов участкаси мисолида сайлов участкаларини тайёрлаш юзасидан амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Коллеж асосий биносининг биринчи қаватида сайловга доир кўргазмали воситалар, овоз бериш кабиналари, бюллетенлар ҳамда сайлов варақалари ташлаш учун стационар ва кўчма қутилар намойиш этилди. Шунингдек, махсус жиҳозланган ҳамда барча зарур шарт-шароитлар яратилган она ва бола хонаси билан ҳам танишилди. Иштирокчилар тиббиёт хонаси қандай ашёлар ва дори-дармон воситалари билан жиҳозланиши ҳақида маълумот олдилар. Сайлов куни участкалардаги шундай хоналарда малакали шифокор ва ҳамширалар навбатчилиги ташкил этилиши лозим. Қисқасини айтганда, сайлов участкалари барча зарур шарт-шароитларга эга бўлишига эътибор қаратилган. Кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам қулайликлар яратилган бўлиши керак.

Иштирокчилар семинар жараёнида бошқа фойдали маълумотларга ҳам эга бўлдилар. Масалан, 6-Наманган округ сайлов комиссияси раиси Пахридин Маткаримов "Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг асосий вазифалари" мавзусида батафсил сўз юритди. Округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари О.Чубоеванинг "Участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш ва жиҳозлашнинг долзарб масалалари" ва округ сайлов комиссияси аъзоси М.Отахоновнинг "Сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий тажриба" мавзуларидаги чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Абдували МАВЛАНОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати

? ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

— Асли Хоразм вилоятиданман. Меҳнат фаолиятим тақозоси билан вақтинча Андижон вилоятида яшаб, ишлаб келаяпман. Бу йилги Президент сайловида қайси вилоятдаги сайлов участкасида овоз беришим керак?

Ф.Нодиров,
Андижон вилояти

— "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасида фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартибининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, "сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиб, сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас"лиги баён этилган.

Демак, сиз сайловда вақтинча истиқомат қилаётган ҳудудда овоз бериш ҳуқуқига эгасиз. Бунинг учун аввало мазкур ҳудуддаги сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилганингизга ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

Қонунчиликка мувофиқ, сайловчиларнинг рўйхати сайловдан ўн беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда, қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкони таъминланади. Кези келганда маълумот тариқасида таъкидлаш лозим, Сизга, умуман, ҳар бир фуқарога рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади.

— Фарзандим тақдир тақозоси билан вақтинча хорижий давлатда ишлаб турибди. Президент сайлови кунида ҳам у ўша давлатда бўлади. Лекин сайловда ўзи муносиб деб билган номзодни ёқлаб, овоз бериш ниятида. Шундай вазиятда у қандай йўл тутиши лозим?

У.Назирова,
Тошкент вилояти

— Фарзандингиз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида ўзининг сиёсий ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Маълумот тариқасида айтиш мумкин, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 10, 11 ва 14-моддаларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳақидаги тақдимномасига асосан 2016 йил 3 октябрда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкалари тузилишига оид қарор қабул қилинган. Мазкур сайлов участкалари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктирилган.

— 4 декабрь куни сайловчилар қайси вақт оралиғида сайлов участкаларига овоз бериш учун бориши мумкин?

Н.Раҳимов, Тошкент шаҳри

— Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, шунингдек, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос А.РАҲМОНОВ жавоб берди.

25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

БОҚИЙ ШАҲАРНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚИЁФАСИ

Хива мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар ичида шаҳарсозлик нуқтаи назаридан мўъжизавий қалъа сифатида эътироф этилади. Унинг мўъжизаси шаҳарнинг олис ўтмиши билан боғлиқлигида, ўз бағрида қадимий шаҳарсозлик қиёфасини бугунги кунгача сақлаб келаётганлигида ва ўзига хос шаҳарсозлик қурилиши, кўринишида намоён бўлади. Шаҳарнинг қадимийлиги кўплаб ёзма манбаларда битилган. X асрда яшаб ўтган араб сайёҳи Истахрий "Хива — нафақат Хоразмдаги, Шарқдаги қалъа ичида қалъа барпо этиш асосида тикланган илк шаҳарлардан бири" деб ёзса, XIX аср муаррихи Худойберди Хивақий "Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири Рамл ҳисобланади. Рамл сўзи қумга сероб жой маъносини англатади. Эндиликда у Хиваҳ номи билан машҳур", дея шаҳарнинг қурилиши ва номи билан боғлиқ яна бир тарихий ҳақиқатни қаламга олган.

Ҳақиқатан ҳам, шаҳар 25 аср давомида қадимий шаҳарсозлик анъаналарига амал қилинган ҳолда уч қисмдан — Арк, Ичон ва Дишон қалъалардан иборат тарзда қад ростлаган. Унинг бағрида салкам XV асрлик тарихий иншоотлар, иморатлар мавжуд. Шулар орасида энг қадимийси Жума масжид ҳисобланади. Масжиднинг дастлабки биноси милодий IX-X асрларда бунёд қилинган. Унинг ичидаги 212 та устундан 4 таси IX асрда, 25 таси X-XIV асрларда, қолганлари XVIII асрдан кейин ишланган. 2,5 гектарлик майдонни эгаллаган бу устунли масжид Шарқ иморатсозлигида ягона ҳисобланиб келинган. Қўҳна арк эса шаҳарнинг 25 асрлик тарихига гувоҳ маскан саналади. Бу ерда Ичон қалъа ва Қўҳна арк иморатлари 2500 йил давомида ўн мартадан ортиқ бузилиб, қайта қурилган. XVII асрдан кейин бунёд этилган саройлар, масжидлар, айвонлар, иморатлар Хива шаҳарсозлигининг барча гўзалликларини, латофатини жамулжам қилган. Ёхуд ана шундай бунёдкорлик мўъжизалари шаҳардаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Шерғозихон, Муҳаммад Аминхон, Оллоқулихон мадрасалари, Анушахон ҳаммоми, қўкка бўй чўзган муҳташам миноралар ва бошқа тарихий иморатлар тимсолида ҳам намоён бўлади.

Хива шаҳрида замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида бунёдкорлик, яратувчилик, қайта қуриш ишлари, уни обод, кўркам, ҳар жиҳатдан тараққий этган шаҳарга айлантириш ғояси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин бошланди. Республикамиз Биринчи Президенти, энг аввало, шаҳарнинг тарихий қиёфасини қайта тиклаш, барча тарихий ёдгорликлар ва обидаларни асл ҳолида таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратди. Бу ишлар учун бир неча миллиард сўм маблағ ажратилди. Иш Ичон қалъанинг атрофидаги мудофаа деворини қайта қуриш ва таъмирлашдан бошланди. Ўтган асрнинг 90-йиллари охирларида Ичон қалъанинг нафақат девори, унинг тўртта томонида жойлашган Ота, Тош, Боғча, Полвон номлари билан юритилган дарвозалари ҳам асл тарихий ҳолида қайта тикланди. Булардан ташқари, Ичон қалъадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Қўҳна арк, Тошҳовли мажмуа ёдгорликлари, карвонсарой, Шерғозихон, Қутлуғмурод Иноқ, Оллоқулихон, Феруз, Муҳаммад Аминхон, Исломхўжа мадрасалари асл тарихий кўринишига монанд ҳолда таъмирланди. Қалъа ичидаги йўллар, йўлаклар қадимий асосда қурилди. Бузилган, вайронага айланган миноралар, тарихий иншоотларнинг пештоқлари улуғвор ва муҳташам ҳолда қайтадан барпо этилди. Дишон қалъадаги ёдгорликлар ҳамда обидалар тарихий асосда қад ростлади. Умуман, Ичон қалъа ва Дишон қалъа асл тарихий кўриниш касб этди. Шаҳар тўла маънода "Очиқ осмон остидаги музей"га айлантирилди. "Ичон қалъа" халқаро ЮНЕСКО ташкилоти қарори билан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Бу ердаги 100 дан ортиқ меъморий обидалар тарихий кўринишда қайта тикланди. Хиванинг қалъаларида тарихий асосда бунёдкорлик, қайта қуриш, таъмирлаш ишлари бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

— Хива—қўҳна обидаларга бой шаҳар. Унинг бағрида кўплаб тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган. Ичон қалъа эса тарихнинг хазинаси ҳисобланади. 26 гектардан иборат бу қалъа ўз бағрида қадим шаҳарсозликнинг тўла қиёфасини намоён қилади. Шу жиҳатдан бу қалъа нафақат Ўрта Осиё ёки Шарқда, бутун дунёда тарихий кўринишдаги яхлит шаҳар сифатида эътироф қилинади, — дейди Хива "Ичон қалъа" давлат тарихий-меъморий музей қўриқхонаси директори Ботир Давлетов. — Агар шаҳарда 109 та тарихий ёдгорликлар ҳисобга олинган бўлса, шундан 54 таси Ичон қалъа қисмида жойлашган. Уларнинг барчаси истиқлол йилларида Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан асл тарихий ҳолида қайта қурилиб, таъмирдан чиқарилди. Эндиликда уларнинг аксариятида ўнлаб музейлар фаолият юритмоқда.

Қайта қуриш ва таъмирлаш жараёни шаҳарнинг яна бир тарихий маскани Нуруллабой саройида ҳам амалга оширилмоқда. Маълумки, Хивада XX аср бошларида ўндан ортиқ ёзги ва қишки саройлар мавжуд бўлган. Шундан айримлари, давр талотумлари ва табиий офатлар, бузғунчиликлардан омон ўтиб бугунги кунларгача етиб келган. Қўҳна арк, Тошҳовли, Қибла Тозабоғ, Боғи шамол, Чодра ҳовли ва Нуруллабой мажмуалари ана шулар жумласидандир. Нуруллабой саройи шаҳарнинг Дишон қалъа қисмида жойлашган. У 1800 йилларнинг охирлари 1900 йилларнинг бошларида Хива ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳларидан бири сифатида бунёд этилган. Сарой хонликнинг миллий ва Европа меъморчилиги уйғунлигида барпо қилинган кўп хонали "Қабуллар уйи"дан ташқари бешта ҳовлини бағрига бирлаштиради. Ҳовлилар ва уйларда турли даврларда ҳар хил ташкилотлар фаолият олиб боргани учун тарихий кўринишига зиён етган. Ёғоч устунларнинг баъзи жойлари ёрилган. Устунлардаги нақшлар, ёзувларнинг айрим ўринлари ўчган. Устунлар тагидаги мармар ва тош асослар бузилган. Деворлардаги безаклар асл қиёфасини йўқотган эди. Сарой тарихий ёдгорлик сифатида рўйхатга олинганидан кейин уни республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси усталари томонидан қайта қуриш, асл тарихий кўринишида таъмирлашга киришилди. Бу ишлар учун салкам 4 миллиард сўм маблағ ажратилди. Эндиликда саройда ниҳоятда катта микёсда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Унинг асл ҳолати тикланмоқда. Ҳовлилар, бинолар, хоналар тарихий қиёфа касб этмоқда. Устунлар, деворлардаги безаклар, нақшлар, ёзувлар асл ҳолида яратилмоқда. Сарой тўла қурилиб, таъмирланганидан кейин бу ер сайёҳлик мажмуасига айлантирилади. Иккита ҳовлида Хоразм ҳунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди. Битласи сайёҳлар учун меҳмонхонага айлантирилади. Яна иккита ҳовлида чойхона, тамаддихона, дам олиш масканларини очиш режалаштирилган. Бошқача айтганда, тарихий ёдгорликлар ҳам ўтмиш меросини ёритиш, ҳам бугунги кун учун хизмат қилади.

Хивада бунёдкорлик ишлари икки йўналишда олиб борилмоқда. Бу ерда, биринчидан, қадимий меъморий ёдгорликлар, обидалар қайта қурилиб, таъмирланиб шаҳарнинг асл тарихий қиёфаси тикланаётган бўлса, иккинчидан, янги иншоотлар, иморатлар, илм масканлари барпо этилиб, шаҳарнинг замонавий қиёфаси ҳам шаклланмоқда. Айниқса, 1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши ва 2006 йилда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги дунё илм аҳли томонидан байрам қилиниши муносабати билан шаҳарда қурилиш, бунёдкорлик ишлари кенг миқёсда амалга оширилди. Янги йўллар бунёд қилиниб, меҳмонхоналар қад ростлади. Замонавий иншоотлар тикланди. Маъмун академиясининг янги биноси ишга туширилди. Шаҳар йилдан-йилга ҳам энига, ҳам бўйига кенгаймоқда. Бундан 15 йил илгари Хива шаҳри 600 гектар ҳудудга эга бўлган бўлса, бугунги кунда унинг ҳудуди 820 гектардан ошиқни ташкил қилмоқда. Янги ўзлаштирилган жойларда замонавий турар жойлар, савдо ва сервис хизмати шохобчалари барпо этилмоқда. Урганч — Хива йўли атрофидаги гўзал иншоотлар, кўп қаватли уйлар бундан уч-тўрт йил аввал йўқ эди. Эндиликда улар шаҳарнинг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. 2012 йилда Хивада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шаҳарга кираверишда "Болалар меҳрибонлик шаҳарчаси" қурилиши бошланди. 7 гектардан ошиқ майдонни эгаллаган бу шаҳарчада 18 та икки қаватли уйлар бунёд этилди. Кенг хонали уйларнинг барчаси замонавий жиҳозлар билан жиҳозланди. Бу уйларнинг ҳаммаси Хива шаҳридаги 20-сон меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар учун қурилди. Ушбу шаҳарчанинг қурилиши учун давлат томонидан 13 миллиард сўмдан ошиқ маблағ ажратилди ва бу шаҳарча қурилишини "Ирдимзон қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширдилар. Шаҳарчада болалар учун барча шароитлар яратиш мақсадида спорт иншоотлари, маданий-маърифий масканлар, сув ҳавзалари ҳам ишга туширилди. Бу ҳам Хиванинг янги шаҳарсозлиги намуналаридан бирига айланди.

Маълумки, Хива тарихий обидалари, ёдгорликлари туфайли бутун дунёга сайёҳлик шаҳри сифатида танилган. Бу шаҳарга ҳар йили бир неча юз минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Шунинг учун давлатимиз томонидан бу ерда сайёҳлик тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Албатта, сайёҳлик тизимини ривожлантириш сайёҳларнинг Хивага келиб-кетишини ташкил этиш, унинг тарихий масканларини томоша қилдиришдангина иборат эмас. Бу тизим сайёҳлар учун кўплаб янги хизмат турларини юзага келтиришни ҳам талаб этади. Хиваликлар бу борада ҳам тадбиркорликнинг янги турига қўл уришибди. Биз дастлаб "Ичон-қалъа" давлат тарихий меъморий музей-қўриқхонаси директори Ботир Давлетов хамкорлигида Хивадан четга, Қорақум этакларига чиққанимизда бу ерга нима мақсадда келаётганимизни тушунмадик. Кейин кўз ўнгимизда қумлар бағрида Хиванинг машҳур Ота дарвозасига монанд тарихий асосда тикланган дарвоза пайдо бўлди. Ундан ўтганимиздан кейин Ичон қалъанинг ҳақиқий минораси кўзга ташланди. Баландлиги 40 метрдан ошиқ. Ундан нарида эса Хива мадрасаларига монанд ишланган яна бир бино. Унинг яқинида тарихий кўринишда барпо этилган иккита иншоот. Бамисоли қўҳна Хива янгидан қад ростлаётгандек. Ўнлаб ўтовлар. Бу ўтовлар, бинолар, иншоотларнинг ички қисмлари ниҳоятда замонавий асосда безатилган. Ўтовлар, иморатларнинг бир томони қумлоқ, бошқа томонида эса мовий кўл чайқалиб ётибди. Табиатнинг гўзал манзараси. Хиваликлар бу ҳолатга оддийгина изоҳ беришди. "Бу ерда экосайёҳлик тизимини яратяпмиз. Хивага келган сайёҳ халқимизнинг тарихи, бунёдкорлигини кўрганидан кейин юртимиз табиати, экоолами, табиий бойликлари билан ҳам танишсин деймиз. Шу ерда ҳам сайёҳлар тарихимиздан узилиб қолмасин деб Ичон қалъанинг тарихий ёдгорликларини барпо этдик". Бу маскан Хива туманидаги "Хива-Қорақўл" фермер хўжалиги томонидан бунёд қилинган. Худди шунга ўхшаш бошқа бир масканда эса замонавий меҳмонхона, дам олиш жойлари қурилган. Сайёҳлар кўл бағрида ва қумда сайр қилишлари учун шароитлар яратилган. Бу маскан тумандаги "Болтабой оқсоқол" фермер хўжалиги томонидан барпо этилган. Ҳар иккала экомаскан хорижий сайёҳларга маъқул бўлмоқда.

— Хивада тарихий масканларни қайта қуриш, таъмирлаш, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, янги кўп қаватли уй-жойлар, иншоотлар барпо этиш, ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш кўп жиҳатдан сайёҳлик тизимини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади, — дейди Хива туман бош меъмори Миржалол Солаев. — Янгидан пайдо бўлган экосайёҳлик тизими ҳам ана шулардан биридир. Келгусида бу тизимни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Шу мақсадда Урганч—Хива йўли устида, Хива шаҳри яқинида жойлашган "Говуққўл—Чинобод" мавзесида ҳам ўнлаб сайёҳлик мажмуалари барпо этилади. Бу мажмуалар қурилиши билан кўл атрофи ва шаҳарга ёндош ҳудудлар янада ободонлашади, кўркам қиёфа касб этади. Аслида бу кўл ҳам тарихий маскан ҳисобланади. Хива шаҳридаги аксарият иншоотларнинг ашёси ана шу ердан олинган. Демак, бу ерда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари тарихни қайта тиклашга хизмат қилади.

Тарихдан маълумки, қадимда шаҳарсозликнинг пайдо бўлиши ва ривожи ҳунармандчилик тараққиёти билан бевосита боғлиқ кечган. Хива шаҳри ҳам тарихан шундай жараённи бошидан кечирган. Асрлар давомида бу ерда халқ амалий санъати, бадиий ҳунармандчилик, кулолчилик, ганчга ишлов бериш, ёғоч, мис, мармар ўймакорлиги, дурадгорлик, заргарлик, кандакорлик соҳаларида юксак санъат намуналари яратилган. Гиламдўзлик, каштачилик, тўқимачилик, читга гул босиш ва бошқа соҳаларда ўз даврининг етук ҳунармандлари етишиб чиққан. Кейинги йилларда шаҳарнинг тарихий қиёфаси, ёдгорликлари қайта тикланиши баробарида ҳунармандчилиги ҳам қайтадан юксалди. Унинг унутилиб кетган турлари қайтадан тикланди. Шаҳарда эндиликда аждодларнинг ҳунармандчилик соҳасидаги энг яхши анъаналарини авлодлар давом эттирмоқдалар. Бугун Хива ҳунармандлар шаҳрига айланди. Бу эса шаҳарда ишлаб чиқариш ривожи учун йўл очиб бермоқда.

Бугунги кунда Хива туманида кичик тадбиркорлик субъектларидан 419 таси санъат, 277 таси қурилиш, 100 га яқини бошқа соҳаларда фаолият юритаётган бўлса, унинг асосий қисмини Хива шаҳри тадбиркорлари ташкил этади.

Хивада қадимий шаҳарсозлик намуналарини қайта қуриш, таъмирлаш ҳам, замонавий шаҳарсозликка хос янги иншоотлар, биноларни барпо этиш ҳам осон кечадиган иш эмас. Чунки шаҳар ёдгорликларини таъмирлашда уларнинг асл тарихий кўриниши, тарҳи, безаклари, қурилишига қанчалик жиддий амал қилинса, янги иморатлар қуришда қадимий шаҳарларнинг ҳар бир қарич еридаги археологик ёдгорликлар, тарихий бинолар ва шаҳарнинг аввалдан шаклланган қиёфасига зарар етказмаслик асосий талабга айланади. Хивада замонавий бунёдкорлик, яратувчилик ишлари, янги шаҳарсозлик намуналарини барпо этиш икки асосда олиб борилади. Биринчи асосга кўра, шаҳарда аввалдан мавжуд кўчалар кенгайтирилади, улар атрофидаги бугунги кун талабига жавоб бермайдиган уйлар бузилади. Улар ўрнида кўп қаватли уйлар қад ростлайди. Худди ана шундай қайта қуриш ишлари шаҳарнинг марказини кесиб ўтувчи "Мустақиллик" ва Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби кўчаларда ҳам амалга оширилади. Бу кўчаларнинг икки томонида бир неча ўнлаб замонавий турар жойлар барпо этилади. Улар кўп қаватли бўлиб, биринчи қаватида аҳоли ва сайёҳларга хизмат кўрсатадиган маиший хизмат ва савдо шохобчалари жойлашади. Улар қаторида ўндан ортиқ уч ва тўрт юлдузли меҳмонхоналар, ресторанлар, чойхоналар бунёд қилинади. "Ичон қалъа"нинг Ота дарвозаси яқинида янгидан сайёҳлик мажмуалари қурилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, бу ерда 500 ўринли амфитеатр ва қўғирчоқ театрининг биноларини ҳам барпо этиш мўлжалланган.

— Иккинчи асосга кўра, Хива шаҳри ҳудуди янада кенгаяди. Шаҳар атрофидаги ерлар унга қўшиб олинади, — дейди Хоразм вилоятининг бош меъмори Шихназар Отажонов. — Хусусан, тумандаги Дашоқ, Гандимиён, Эски Қиёт, Оқёп қишлоқларининг бир қисми шаҳар бағридан ўрин олади. Шаҳар статуси белгиланганидан кейин унинг атрофида катта ҳалқа йўл барпо этилади. Бу қишлоқлар ўрнида Хива шаҳри бағрида аввалдан мавжуд бўлган "Паҳлавон Маҳмуд", "Янгиобод", "Камолот" ёндош шаҳарчалари каби янги мавзелар, даҳалар, шаҳарчалар қад ростлайди. Ҳар бир шаҳарча, даҳа, мавзенинг ўзига хос инфраструктураси яратилади. Бозорлари, таълим масканлари, маиший хизмат шохобчалари ташкил этилади. Бошқача айтганда, тарихий шаҳар атрофида замонавий Хива бунёд қилинади.



Хивалик меъморлар эндиликда шаҳарнинг 2013-2030 йилларга мўлжалланган замонавий шаҳарсозлик режасини яратишда ана шундай муаммоларни ҳал қилишга эътиборни қаратдилар. Аввало, Хива шаҳри ҳудуди мана шу даврда 820 гектардан 2750 гектарга кенгайиши кўзда тутилган. Унинг замонавий шаҳарсозлик қисми тарихий ва археологик ёдгорликлардан холи бўлган нуқталарда, тарихий аҳамиятга молик бўлмаган эски, тор кўчаларни кенгайтириш, улар яқинида янги бинолар барпо этиш эвазига амалга ошириладиган бўлди. Бугун хариталарда кўрсатилган ва макетларда акс эттирилган кенг кўчалар, тўрт-беш қаватли уйлар, иншоотлар, гузарлар, хиёбонлар келгусида шаҳарнинг замонавий қиёфасини белгилайди. Қолаверса, бу замонавий иншоотлар, турар жойларни шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари, обидаларига монанд равишда барпо этиш режалаштирилган. Яъни, Хиванинг бугунги шаҳарсозлик қиёфаси тарихийлик ва замонавийлик ўзаро уйғунлашган ҳолда вужудга келиши кўзда тутилган.

Хиванинг юксакроқ нуқтасидан назар ташласангиз, ўтмишнинг афсоналарга бурканган тарих ҳақиқатлари келажакнинг бунёдкорликлари билан рўбарў келгандек таассурот қолдиради. Шундай бўлиши аниқ. Демак, келгусида аждодларнинг боқий мероси авлодларнинг бунёдкорликлари билан уйғунлашади. Бу Хиванинг шаҳарсозликдаги яна бир мўъжизаси, афсонасига айланади.

Камол МАТЁҚУБОВ,
"Adolat" мухбири

Тарих кўзгуси

Хива шаҳрини олимларимиз тарихимизнинг кўзгуси, деб улуғлашади. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу кўзгуда нафақат аждодлардан мерос қолган ўрта асрларга мансуб афсонамонанд шаҳар кўзга ташланади, балки бу шаҳар тимсолида улуғвор тарихий иншоотларни, қалъа, арклари яратган бунёдкор меъморларимиз иқтидори, юзлаб мадрасаларда таълим-тарбия берган, Шарқ илм-маърифатини дунёга танитган алломаларимизнинг юксак салоҳияти, масжидлар, миноралар, саройларни ҳайратомуз даражада безаган ҳунармандларнинг беқиёс санъати, ўтмишда буюк ишларни амалга оширган халқимиз қудрати ҳам намоён бўлади. Шунинг учун дунё аҳли бу ғаройиб шаҳарни кўришга, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати билан танишишга интилади. Шу ўринда хаёлимга Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттераннинг "Франция Хивани умрида лоақал бир марта бориб кўрмаган француз француз эмас дейишади", деган фикри келди. Эҳтимол, бундай гап бугун фақат Франциядагина эмас, Германия, Англия, Испания, Польша, Голландия, Япония, Швеция, Канада каби мамлакатларда ҳам айтилаётган бўлса ажаб эмас. Зеро, кейинги йилларда айнан шу давлатлардан Хивага келадиган сайёҳлар оқими янада кўпайганлиги эътироф этилмоқда.

Айни пайтда, юртимизда сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Бу борада Биринчи Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ушбу соҳани юксалтиришда муҳим роль ўйнади. Шу қарор асосида сайёҳлик бўйича 5 та йўналишда 200 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Бугунги кунда яна янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Агар Хивада авваллари бир меҳмонхона мавжуд бўлган бўлса, эндиликда 20 дан ортиқ меҳмонхоналар фаолият юритмоқда. Яна ўндан ортиқ меҳмонхоналарни қуриш режалаштирилмоқда. Сайёҳлар учун тарихий меъморий обидаларни томоша қилишдан ташқари археология ёдгорликларини бориб кўриш, экосайёҳатлар уюштириш учун имкониятлар яратилди.

Хивада сайёҳлик объектлари сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, илгари фақат "Ичон қалъа"даги ёдгорликлар сайёҳлик объекти ҳисобланарди. Эндиликда шаҳарнинг "Дишон қалъа" қисмидаги тарихий обидалар ҳам сайёҳлик объектларига айланмоқда. "Қибла Тозабоғ", "Нуруллабой" саройлари келгусида ана шу объектлар сафини тўлдиради. Бундан ташқари, таъмирчи усталар "Дишон қалъа"нинг ўнта бузилиб кетган дарвозалари ўринларини аниқлаб, уларни қайтадан барпо этишга киришдилар. Шулардан бири шаҳарнинг ғарбий қисмидаги "Шийхлар дарвозаси" асл тарихий ҳолатига монанд равишда қайта қурилди.

Бундай бунёдкорликлар шаҳарни келгусида ҳам тарих кўзгусига айлантиришга ва юртимизга келадиган сайёҳларнинг янада кўпайишига хизмат қилади. Хива тўла маънода дунё нигоҳидаги шаҳарга айланади.

Шуҳрат БЕКЧОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Хива туман кенгаши раиси

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

ASAKA BANK

"Соғлом она ва бола йили" муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз:
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган.

www.asakabank.com

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Амир Темур

Reklama

"GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA" МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Бухоро вилояти "Жайрон" экология марказининг 28.10.2016 йилдаги № 61-сонли буюртма хатига асосан марказга тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари "Очиқ Аукцион" савдоларига чиқарилмоқда:

1. 1996 йилда и/ч, д/р 80/815 LAA бўлган DAEWOO DAMAS русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 3 000 000 сўм.
2. 1997 йилда и/ч, д/р 80/816 LAA бўлган DAEWOO TICO русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 1 400 000 сўм.
3. 1990 йилда и/ч, д/р 80/813 LAA бўлган УАЗ-3303 русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 540 000 сўм.
4. 1993 йилда и/ч, д/р 80/817 LAA бўлган УАЗ-31512 русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 1 400 000 сўм.
5. 1991 йилда и/ч, д/р 80/814 LAA бўлган ГАЗ-3307 русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 2 000 000 сўм.
6. 1985 йилда и/ч, д/р 80/812 LAA бўлган КАВЗ-685 русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 2 000 000 сўм.
7. 1982 йилда и/ч, д/р мавжуд бўлмаган Т-28х4м русумли қишлоқ хўжалик техникаси. Б/б — 2 200 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 06 декабрь куни соат 11:00 да савдо ташкилотчининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2016 йил 06 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 14, 22, 30 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Global Savdo Fayz Buxara" МЧЖнинг ЧЭКИ "Савдогарбанк" Бухоро филиалидаги х/р: 20208000505017774001, МФО: 00112, ИНН: 302485226 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ.

Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 12-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, Республика онкология илмий марказ клиникаси бўлим бошлиғи Дониёр Қосимовга волидаи муҳтарамаси **Мавлуда ая ҚОСИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Adolat" газетаси таҳририяти жамоаси таҳририят Фарғона вилояти мухбири Ориф Ўлмасовга волидаи муҳтарамаси **Ойна АБДУРАҲМОНОВА**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *288-42-14* (144)

Навбатчи муҳаррир — Абдуқаюм Йўлдошев
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1100. Адади — 7733 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 20.20

Баҳоси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6